

СПОРТ СОҲАСИДАГИ АГЕНТЛИК ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

Етмишбоев Мухторжон Маъмуржон ўғли

Ички Ишлар Вазирлиги Академияси

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри

Аннотация. Ушбу мақолада спорт соҳасидаги агентлар фаолиятининг тушунчаси, хусусиятлари ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жихатдан уни тартибга солиш чоралари ёритилган. Спорт бўйича агент — спортчи номидан ва унинг манфаатлари учун шартнома асосида фаолият кўрсатадиган, тузилган шартномалар шартларига ва спортчининг ҳуқуқларига риоя этилишини кузатиб борадиган шахс ҳисобланади. Спорт соҳасидаги агентларнинг муносабатларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга комплекс илмий ёндашув талаб этилади.

Калит сўзлар: *Жисмоний тарбия ва спорт, фуқаролик ҳуқуқи, спорт агенти, бизнес, спорт менежери, шартнома, воситачи, қонун.*

THE CONCEPT, DISTINCTIVE FEATURES AND TYPES OF AGENCY ACTIVITIES IN THE FIELD OF SPORTS.

Yetmishboev Mukhtorjon Ma'murjon ogli

Academy Of The Ministry Of Internal Affairs

Republic Uzbekistan, Tashkent City

Annotation. This article covers the concept, features of the activities of agents in the field of sports, as well as measures to regulate it from a civil legal nature. A sports agent is a person who acts on behalf of an athlete and in his interests on a contractual basis, monitoring compliance with the terms of concluded contracts and the rights of an athlete. An integrated scientific approach to the civil law regulation of the relations of agents in the sports sphere is required.

Keywords: Physical education and sports, civil law, sports agent, business, sports manager, contract, intermediary, law.

ПОНЯТИЕ, ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ЧЕРТЫ И ВИДЫ АГЕНТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СФЕРЕ СПОРТА.

Етмишбоев Мухторжон Маъмуржон ўғли

Академия Министерства Внутренних Дел
Республики Узбекистан, г. Ташкент

Аннотация. В данной статье рассматриваются понятие, особенности деятельности агентов в сфере спорта, а также меры по ее регулированию с гражданско-правовой точки зрения. Спортивный агент - это лицо, которое действует от имени спортсмена и в его интересах на договорной основе, контролируя соблюдение условий заключенных контрактов и прав спортсмена. Необходим комплексный научный подход к гражданско-правовому регулированию отношений агентов в спортивной сфере.

Ключевые слова: *Физкультура и спорт, гражданское право, спортивный агент, бизнес, спортивный менеджер, договор, посредничество, право.*

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортнинг ахамияти юртимизда тобора ортиб бораётгани билан бир қаторда унинг ҳуқуқий асосларини доимий равишда такомиллаштириб борилишини даврнинг ўзи кўрсатиб бермоқда. Рим ҳуқуқи даврдан бизга маълум бўлган энг қадимги ҳуқуқий конструкциялардан бири шартнома ҳисобланади. Шартнома мулкий муносабатларни (фуқаролик-ҳуқуқий) ҳуқуқий тартибга солишда универсал усул сифатида марказий ўринни эгаллайди. Спорт соҳасидаги муносабатлар ҳам асосан шартномалар билан тартибга солинади. Ҳусусан, XX асрнинг охириги йигирма йиллигида спортнинг тобора такомиллашишида давлатнинг ўрнини мустақамлаш тенденцияси юзага келди. Бунга ўз навбатида: 1) спорт соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва норматив-ҳуқуқий асосларини қабул қилиниши; 2) спортни ривожлантириш ва молиялаштиришда ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг иштироки, жамоатчилик билан алоқалари; 3) спортнинг нафақат маданий балки моддий томонлама молиявий ривожини; 4) спорт шартномалари субъектларининг кўлами кенгайиши, спорт агенти ва бошқалар сабаб бўлмоқда дейишимиз мумкин.

Спортчининг ўз вакили ёрдамида шартнома имзолаши ҳолати илк бор 1925 йилда Америка Қўшма штатларида қайд этилган. Иллинойс

университетининг Америка футбол, бейсбол, баскетбол каби спорт турларида юқори натижаларни қўлга киритаётган истиқболли талабаси Г.Ранж ўқишни тамом қилгач ўзининг “Chicago bears” клуби билан имзолаган дастлабки профессионал шартномасини вакили-агенти ёрдамида имзолаган. Аммо шундан кейин ҳам бундай ҳолатлар қайд этилган даврда камдан-кам кузатилган. АҚШда спорт агентлари ўз фаолиятларини 1970 йилларга яқин фаоллаштира бошлайди. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур давр профессионал спортдаги эркин агентлик муносабатлари билан ажралиб туради, чунки спортчиларнинг катта қисми резерв тизими, яъни “қайси клуб хоҳласа уша клуб олиши мумкин” принципига асосланган тизимга мувофиқ ўз жамоалари олдида шартномавий мажбуриятларга эга бўлиб, уларда танлов ҳуқуқи ва муқобил вариант бўлмаган. Аслини олганда, спортчилар учун фақатгина “таклиф этилаётган нарсага рози бўлиш ёки мусобақаларда иштирок этишдан воз кечиш” қондаси мавжуд эди. Агент хизматларидан фойдаланиш учун спортчидан мавжуд тизимни енгиб ўтишга етарлича жасорат талаб этилар эди. 1980 йилларга келиб, спорт мусобақаларига бўлган қизиқишнинг тикланиши натижасида спорт агентларининг фаолияти янада фаоллашди ва у даромадли соҳага айланди. Шимолий Американинг хоккей, бейсбол, баскетбол ва америка футбол бўйича лигаларида фаолият кўрсатаётган спортчилар ўзаро рақобат қилишни бошлайди, бой клублар энг зўр спортчиларни олишга интила бошлади ва ўз-ўзидан уларнинг маошлари сезиларли даражада ўса бошлади. Бундай вазиятда спорт агентларининг ўз хизматларини спортчиларга таклиф этишга бўлган интилишлари ҳам шунга мувофиқ равишда ортиб кетди. Албатта, бу жараён ҳам муаммосиз кечмади. Асосий муаммо кўп сонли спорт агентлари орасидаги чекланган спортчилар учун кескин рақобат муҳитининг шаклланишида бўлди.[1]

Шулардан ҳозирги пайтда спорт соҳасида жуда тез ривожланиб келаётган ***Спорт соҳасидаги агентлар фаолиятига назар ташласак***, Давлат сиёсати учун муҳим саналган спорт соҳаси, хусусан спорт соҳасида агентлар фаолияти етарлича тартибга солинмаган ва етарлича тадқиқот предметига айланиб улгурмаганлиги бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигини англатади. Агент тушунчасига таърифни кўплаб хорижий луғат ва энциклопедияларда топиш мумкин. “Спорт агенти” тушунчаси ҳақида эса, илмий адабиётларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ички (локал) ҳужжатларда, спорт ташкилотларининг регламент нормаларида маълумот (жуда кам) олиш мумкин. Спорт агентлиги профессионал спортда хизмат кўрсатиши ва бу хизмат эса, айнан фойда олиш учун ҳақ эвазига амалга оширилишини инобатга оладиган бўлсак, спорт агенти бевосита шартномавий-ҳуқуқий фаолиятнинг мустақил субъекти ҳисобланишига

алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунингдек, улар фаолиятини шартномаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилганида спорт бўйича агент фаолияти билан боғлиқ нормалар умумий ҳолда кўрсатилганлиги маълум бўлди. Хусусан, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида спорт бўйича агентга таъриф берилган бўлиб унга кўра спорт бўйича агент — спортчи номидан ва унинг манфаатлари учун шартнома асосида фаолият кўрсатадиган, тузилган шартномалар шартларига ва спортчининг ҳуқуқларига риоя этилишини кузатиб борадиган шахс ҳисобланади [2]. Яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 май 311-сон қарорининг 6-бандида Ўзбекистон футбол ассоциациясига Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси (ФИФА) талабларига мувофиқ салоҳияти юқори футболчиларни профессионал даражада тайёрлаш, уларнинг хорижий давлатларнинг нуфузли футбол клубларида профессионал фаолият олиб боришини таъминлаш, шунингдек, футболчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Футбол бўйича агентлар (воситачилар) фаолиятини тартибга солиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш вазифаси белгиланган [3]. Спорт бўйича агент фаолиятига доир ўтказилган таҳлиллар юқоридаги 2 та нормадан бошқа бирор қоидалар Ўзбекистон қонун ҳужжатларида келтирилмаганлигини кўрсатди. Умуман олганда мавжуд норма ҳам спорт бўйича агентнинг фаолият юритишига асос бўлиб ҳисобланади. Бироқ, спорт бўйича агент фаолиятининг бугунги кундаги спорт муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамиятини инобатга олсак, юқоридаги нормаларнинг айрим жиҳатларини такомиллаштириш зарур бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида спорт агентлари фаолиятида агентларнинг спортчилар ва спорт клублари ўртасида шартномалар тузишда воситачилик тарзидаги иштироклари муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, спорт агенти фаолиятининг катта қисмини спорт соҳасида агентлик шартномасини тузиш йўлида қилинган ҳаракатлар ташкил қилади. Аслида, спорт агентининг фаолияти воситачилик фаолият ҳисобланганлиги ва унинг соҳаси спорт бўлганлиги учун ҳам икки тарафламалик хусусиятига эга. Яъни бу масала ҳам спорт соҳаси қонунчилиги, ҳам фуқаролик соҳаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

Спорт соҳасидаги агентлик фаолиятини турли олимлар ижодларида учратиш мумкин. Шундай қилиб, С.В.Николюдин агентлик шартномасини “фуқаролик-ҳуқуқий битимнинг барча белгиларига эга бўлган воситачилик шартномаси” деб тушунади, унга кўра “бир томон (агент) бошқа томон

(принципиал) номидан маълум ҳақ эвазига тадбиркорлик (тижорат) мақсадларида юридик ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади. Аксинча, М.З.Пак агентлик шартномаси мижоз ва учинчи шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган воситачилик ҳаракатларининг агент томонидан мижоз манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши билан боғлиқ деб ҳисоблайди. М.И.Брачинский эса эътиборни бундай ҳаракатларнинг тизимлилиги ва агентлик шартномасини битта бизнес битими учун ишлатиш мумкин эмаслигига қаратади.

Спортдаги агентлар фаолияти учун бу ёндашувлар фақат энг минимал тарзда кулланилиши аниқ. Цивилистларнинг агентлик хизматларининг фақат тадбиркорлик муносабатларига йўналтирилганлиги ҳақидаги фикри маҳаллий профессионал спортда ўз ифодасини топмайди. Спорт клублари ва профессионал спортни бошқариш билан шуғулланадиган бошқа ташкилотларга нисбатан агент ўз хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга ва шу нуқтаи назардан уларнинг фойда (даромад) олишига қаратилганлиги оқланади. Аксинча, миллий меҳнат қонунчилигига мувофиқ спортчилар мурожаатида агентлар фаолиятини амалга ошириш мижознинг тадбиркорлик мақсадларига қаратилган фаолият сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас. Мижознинг спорт тизимининг тегишли вакили билан ҳуқуқий муносабатлари спорт соҳасидаги агентлар фаолияти субъектида ягона эмас. Спорт агенти ўйинчиларни трансфер қилишнинг энг яхши вариантларини танлаши, консультация қилиши, тавсиялар бериши, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан аниқ тақиқланмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Спорт федерациялари томонидан агентлар фаолиятини корпоратив (маҳаллий) тартибга солишда агент ҳам мижоз номидан бажаришга ҳақли бўлган ҳаракатларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд эмаслиги бежиз эмас. Шунингдек, агентлик хизматларини битта мижозга тизимли кўрсатиш концепцияси спорт муҳитида изчил эмас. Спорт агенти спорт соҳасининг тегишли вакили учун бир марталик шартнома тузиши (масалан, ўйинчини бир клубдан бошқасига ўтказиш) ва кейинчалик унинг профессионал фаолиятини ҳуқуқий куллаб-қувватлашда иштирок этмаслиги мумкин. Бу фақатгина томонлар тузган агентлик шартномасининг шартларига боғлиқ.[4] Қонунчилик даражасида ҳам, корпоратив даражада ҳам бугунги кунда бундай чеклов ўрнатилмаган.

Шундай қилиб, спортдаги агентлик фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий табиати ҳозирги вақтда спорт агенти фаолиятида мижозлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан муносабатларни ўрнатишининг деярли барча босқичларида юзага келадиган бир қатор профессионал муаммоларни етарли даражада ҳал қила олмайди. Замонавий профессионал спортда агентлик шартномасининг фақат фуқаролик-ҳуқуқий тузилмаларидан фойдаланиши

энди етарли эмас, бу агентлар фаолиятининг асосий масалаларини батафсилроқ тартибга солиш зарурлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, корпоратив ва қонун ҳужжатлари билан бевосита таъқиқланмаган агентлик хизматларининг мумкин бўлган турларини таҳлил қилиш асосида, биз спортдаги агентлар фаолиятининг таърифини шакллантиришимиз мумкин. Бу фаолият спорт тизимининг субъектларига шартнома ва шартномадан ташқари асосда кўрсатиладиган ва асосан ихтисослашган субъектлар ўртасидаги муносабатларни расмийлаштиришга қаратилган воситачилик хизматлари тўплами шаклида профессионал асосда амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи сифатида тушунилиши керак.

Спорт агенти биринчи ўринда спортчининг манфаатларини кўзлаб, унинг учун бир қатор хизматлар мажмуини амалга оширувчи вакилдир. Спорт соҳасидаги агентлар фаолиятини жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам агент сифатида фаолият юритиши мумкин бўлиб, бу ерда вакиллар фаолият кўрсатувчи спорт тури ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, бунда профессионал спорт агенти бирданига бир нечта спорт турини қамраб олади. Масалан, АҚШ да бир шахсдан хоккейда, бейсболда, америка футболда агентлик хизматлари таклифини олиш мумкин. Спорт агенти тушунчасини унинг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда таърифлаш мумкин.

Спорт агентининг асосий фаолият турларига қуйидагилар киради:

- шартномалар тузишда мижозларга ҳуқуқий кўмак бериш;
- мижознинг бир жисмоний тарбия ва спорт ташкилоти (спорт клуби) дан бошқасига ўтиши (трансфери)да музокаралар олиб бориш.

Спорт агентларининг қўшимча фаолият турлари орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мижозлар даромад ва ҳаражатларининг молиявий бошқаруви;
- мижозлар фаолиятининг солиққа оид режалаштирилиши;
- зиддиятли вазиятларни ҳал қилиш;
- машғулот ва мусобақавий фаолиятни ташкил қилиш;
- суғурталаш;
- қимматли қозғоларни бошқариш;
- хайрия акцияларида иштирок этиш;
- пресс-конференцияларни ташкил қилиш, ОАВ билан алоқада бўлиш ва бошқа фаолият турлари. Спорт агентининг мижозлари сифатида спортчилар, мураббийлар, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари (спорт клублари) намоён бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, агент спортчига қўшимча хизматлар кўрсатади-бу чиқишлар (сўз маърузалар, семинарлар, мастер-класслар, шоудастурларда

иштирок ҳақида бормокда) ва рекламадан тортиб, спортчининг карераси давомида ва у яқунлангандан сўнг маслаҳатлар беришгача бўлганларни камраб олади. Назарда тутилган барча ҳолатларда спорт агенти спортчининг вакили, яъни “спортчи томонидан унинг номидан ҳаракат қилишга ваколат берилган шахс” сифатида эътироф этилади.

Спорт агентининг энг муҳим бурчи бу агент вакили бўлган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини виждонан ҳимоя қилишдир. Бу шуни англатадики, агент ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз мақомини суистеъмол қила олмайди ва шу билан унга ишонган спортчининг мавқеини хавф остига қўя олмайди, аксинча, спортчи ютуқларга эришиши учун энг мақбул ва фойдали шартномаларга ҳаракат қилиши керак.

Спорт соҳасидаги агентлар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий жихатдан воситачилик шартномасига боғласак, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 48-боб 832-моддасида Воситачилик шартномасига таъриф бериб ўтилган, унга кўра Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топришиғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт[5].

Бошқа давлатларнинг Спорт соҳасидаги агентлар фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор хорижий давлатларнинг қонунларида “спорт агенти” тушунчасининг қуйидагича таърифларни учратиш мумкин:

Россия Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт қонунида Спорт агенти-бу спортчилар ва мураббийларни профессионал спорт клубига ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича юридик ва бошқа ҳаракатлар орқали фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс;

Беларусь Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қонунида Спорт агенти – бу яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ва профессионал спорт субъекти билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида амалга ошириладиган жисмоний шахс;

Тожикистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қонунида Спорт агенти бу жисмоний ёки юридик шахс; спортчилар ёки мураббийларни профессионал спорт клубига ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича қонуний ва бошқа ҳаракатлар орқали фаолиятни амалга оширишуват шахс;

Кўриб турганимиздек, хорижий давлатларнинг қонунларида ҳам спорт агентлари тушунчаси ҳуқуқ соҳаси, айнан фуқаролик-ҳуқуқи билан боғлиқлигини учратишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, спорт агенти спортчи ўз эътиборини тўлиқлигича машғулотлар жараёни ҳамда мусобақаларга қаратишига шароит

яратадиган продюсер, топ-менежер, шахсий администратор ва тижорат директори функцияларини амалга оширади. Замонавий спортда жисмоний юкламалар ва рақобат даражаси шу қадар юқорики, профессионал спортчи кундалик ва ташкилий муаммоларга чалғишга шунчаки имконият топа олмайди. Унинг ўрнига бундай ишларни спортчи томонидан ваколат берилган шахслар амалга оширади. Агентнинг вазифаси – спортчига у ёки бу спорт турининг бизнес сифатидаги барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали қарорлар қабул қилишига ёрдам беришдир. Агентнинг асосий вазифаларидан бири спортчи фаолиятининг ўсиши ва молиявий фаровонлигини таъминлашдир. Буни бажариш эса мушкул вазифа ҳисобланади, чунки агент спортчи ва икки иш берувчи ўртасидаги воситачиликни амалга оширади. Булардан ташқари, агент ўз спортчиси учун тарбиячилик вазифасини бажариши ҳам керак бўлади. Гап шундаки, кўпгина замонавий спортчиларда шахснинг мотивацион соҳаси ва фаолиятини иродавий тартибга солиш қобилияти етарли даражада ривожланмаган. Бу, кўпинча, муносиб шартномани имзолагандан сўнг баъзи ёш спортчилар интилишини тўхтатади ва захирада ўтиришга рози бўлади. Шунинг учун агент машғулотларда фақат ҳақиқий меҳнат унга спортнинг юқори чўққиларига эришишига ёрдам беришини, мураббий айтганидан бироз кўпроқ ишлаш кераклигини, кичик нарсдан бошлашнинг ёмон жиҳати йўқлигини, чунки бу ишга тўғри муносабатда бўлиши кези келиб, катта нарсага айланишини спортчи онгига доимий равишда сингдириши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни. Т. 2015
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 3 июн.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. 2021 йил 6 апрель.
4. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий асослари./Ш.Б. Джумақулов. Ўқув қўлланма.- Т.2021.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.- Т.2021.
6. Халқаро спорт ҳуқуқи асослари. / Г.Р. Асатова, А.Х.Хаётов, Б.А. Нариманов. Ўқув қўлланма.- Т.: 2018.
7. <http://www.gov.uz>
8. <http://www.lex.uz>
9. <http://www.olimpic.uz>